

МУСИҚА ВА САНЪАТ ИНСОН ҚАЛБИНИНГ БЕБАХО ГАВҲАРИ.

Сайфутдинова Дилбар Тожиддин Кизи.

ТУРКИСТОН ЯНГИ ИННОВАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Муסיқа таълими ва санъат йўналиши 1-босқич магистри

Аннотация: мақолада муסיқа санъатининг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, инсоннинг онги ва маънавий дунёсига таъсири, маънавий гўзалликнинг, қалби покликнинг улкан манбаи эканлиги асосланган.

Калит сўзлари: меърос, муסיқа, маънавият, тарбия, шахс, жараён, фаолият, нафосат, ривожланиш.

МУЗЫКА И ИСКУССТВО - БЕСЦЕННЫЕ ЖЕМЧУЖИНЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО СЕРДЦА.

Сайфутдинова Дилбар Таджиддиновна.

ТУРКИСТАНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ НОВЫХ ИННОВАЦИЙ

Магистр 1-курса направления музыкального образования и искусств

Аннотация: в статье акцентируется внимание на роли и значении музыки в жизни человека, ее влиянии на человеческий разум и духовный мир, а также обоснуется, что она является великим источником духовной красоты и чистоты сердца.

Ключевые слова: наследие, музыка, духовность, воспитание, личность, процесс, деятельность, эстетика, развитие.

MUSIC AND ART - PRICE PEARLS OF THE HUMAN HEART.

Saifutdinova Dilbar Tajiddinovna.

TURKISTAN UNIVERSITY OF NEW INNOVATIONS

Magister of the 1st course in the direction of music education and arts

Annotation: the article focuses on the role and significance of music in human life, its influence on the human mind and the spiritual world, and also substantiates that it is a great source of spiritual beauty and purity of heart.

Key words: heritage, music, spirituality, education, personality, process, activity, aesthetics, development.

Хурматли, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек: “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”.

Маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида ривожланиш маданий маърифий ва миллий қадриятларга асосланиб ўз давлатини куради.

Дарҳақиқат, муסיқа ижтимоий ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаган, асрлар оша инсон маънавий ҳаётида улкан аҳамият касб этиб келмоқда. Асрлар давомида яшаб ижод қилган яна бир миллатимиз узлигимизни намоён этиб келган

мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, ўз даврининг атоқли шоирларидан А.Жомий ва бошқалар мусиқа санъатининг қудратли таъсирчан, тарбиявий аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтганлар. Жумладан билан бир қаторда унинг инсоний саломатлиги ва руҳий тетиклиги учун ҳам кучли таъсир этишига тўхталиб ўтамыз”. Шунингдек, Ибн Сино ҳам ўзининг “Донишнома” асарида қадимий ҳикматларидан бештасини киритиб, уларнинг моҳияти ва мазмунини асослаб беради. Шулардан бири “Мусиқа билимидир”, яъни товушларнинг оҳангдорлиги ва нооҳангдорлиги ҳақидаги билим. Ибн Сино ўз фикрини билдирган ҳолда шундай дейди: “Кичкинтойларнинг организми учун фойдали нарса бу “Енгил тарбия” куй ва мусиқадир. Мана шу икала нарсани ўзлаштиришга қараб, унда жисмоний машқларга мойиллик туғилади: Биринчиси танага, иккинчиси қалбга тааллуқлидир”.

Мусиқа энг аввало киши тасавурида образлар яратиши орқали инсон руҳиятига сингиб боради. Яхши, ёқимли мусиқа кишида яхши кайфият уйғотади ва у киши руҳиятига кўтаринкилик олиб киради. Маълум муаммолар олдида ўзини бардам ҳис қилади ва турли ҳаётий ҳолатларда кўрсатишга тайёр бўлади. Мусиқа асарларида кўтаринкилик кайфияти фақат шодлик ва хурсандчиликни ифодалабгина қолмай, балки тингловчиларда қаҳрамонлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик, меҳрибонлик ва ижобий ҳислатларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Мусиқа санъати баъзан шундай кучга, чуқур маъно ва мазмунг аэга бўладики, ундан олинган таассуротларни таърифлашга баъзан инсон тили ожизлик қилади. Шундай экан, сирли оҳанглар орқали жамиятимизнинг асоси бўлмиш ёшларда миллий ғоя тушунчасини шакллантириш ҳозирда давр талаби ҳисобланмоқда.

Асрлар мобайнида шаклланган бебаҳо меърос бўлиб келаётган халқ кўшиқлари, катта ашула ва мақомлар халқнинг маънавий-ғоявий хазинаси бўлиши билан бирга халқнинг улкан ҳаёт мактабидир. Халқ мусиқий меъросини атрофлича ўрганиш талаба ёшларда халқимиз томонидан куйланиб келинаётган ватанпарварлик, комил инсон, юрт тинчлиги, халқфаровонлиги, фидоийлик ва бошқа миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Муסיқа киши руhini ва фикрини юксалтиради, шахсни руҳан поклайди ва бойитади. Қадимий Юнонистон мутафаккирлари Платон ва Аристотель ҳам ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда муסיқанинг ўрнига алоҳида аҳамият берган. Мумтоз ёки замонавий муסיқа инсоннинг руҳий дунёсини қайта тиклашга, ҳаётда учрайдиган тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам бериши билан бир қаторда, табиат гўзаллиги, халқлар турмуши ҳақида тасаввур хосил қилишига кўмаклашади.

Муסיқа инсоннинг онги ва маънавий дунёсига катта таъсир кўрсатади, шу сабабли у инсон учун маънавий гўзалликнинг, қалби покликнинг катта манбаи бўлиши мумкин. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати бўлмиш баркамол шахс, комил инсонни ҳартомонлама етук қилиб тайёрлаш учун аввало унинг маънавий дунёсини бойитиш, ўтмиш ва бугунги миллий ва маънавий ғоялар билан мужассамалаштирилган ҳолда тарбиялаш зарур.

Маданиятимиз, миллий қадрият ва миллий маънавиятимизни асраб-авайлаш, уларнинг умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар билан ҳамоҳанглигига эришиш ҳар биримизнинг эзгу асосий мақсадларимиздан биридир.

Муסיқа воситаси ёрдамида ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш муסיқа санъатини адекват тарзда ички кечинмалар орқали қабул қилиш ва ғоявий-бадий туйғуларни ўзлаштириш учун кенг имкониятларга эга ҳисобланади. Бу Ватанга, ўз халқига муҳаббат, дўстлик ва биродарларча бирдамлик, миллий ғурур туйғулари тарбия соҳасида яққол намоён бўлади.

Муסיқани онгли идрок этиш инсон маънавий дунёсини бойитишда ёрдам беради. Уларнинг муסיқий дидлари тарбияланиб боради. Муסיқа тарбияси, муסיқага бўлган иштиёки адабиёт ва тасвирий санъат, тарих билан боғлиқ ҳолда ўрганишни олиб боради. Бу эса инсонни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Биринчи навбатда бу жараёни мактабгача таълим ва урта таълимда олиб борилиши керак. Чунки ўқувчиларнинг оммавий тарзда дарсга жалб этилиши, мактабгача таълим ва мактабларда муסיқа фанларини

бошка фанлар билан боғлаб ўтиш уларнинг ҳамма фандан эстетик завқ олишини таъминлайди. Энг муҳим, мусиқа болаларнинг ақлий, ахлоқий сифатларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Мусиқа ақлни пешлаб, тафаккурни чархлайди. Мусиқа дарслари ва машғулотларда ўқувчилар тарбия ва миллий маданиятимизни ўрганиб, билим савиясини кучайтириб боришга эришади.

Демак, инсонни мусиқа ва санъатнинг ўзига хос хусусиятларини англаб, мусиқадан турли маданиятлар яқинлашувининг ижтимоий ва педагогик асоси сифатида фойдаланилса, у кудратли курул сифатида ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали воситасига айланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Р.Абдуллаев. Миллий истиқлол ва мусиқа. Т., 2002.
2. Т.Махмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001
3. Р.Турсунов.Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти Тошкент 2003
4. Ньёматов Шухрат Эргашевич, Абдуллаев Қобилжон Файзуллаевич
Исломгача давр мусиқа санъатининг шаклланиши ва тараққиёт жараёни // Современное образование (Узбекистан). 2017. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/islomgacha-davr-musi-a-sanatining-hakllanishi-va-tara-iyot-zharayoni/>
5. Абдуллаев К.Ф. ЗАДАЧИ И СОДЕРЖАНИЕ МУЗЫКАЛЬНОГО ВОСПИТАНИЯ В ШКОЛЕ // Экономика и социум. 2022. №4-1 (95). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zadachi-i-soderzhanie-muzykalnogo-ospitaniya-v-shkole/>